



# XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

20 (126)-сон, 2006 йил 18 май

www.21asr.com

**3 МУНОСАБАТ** Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 186 млн. сўм

**7 ИҚТИСОД** 190 тонна ўрнига 220 тонналик ғалла хирмони

**9 ХАЛҚАРО ҲАЁТ** Бу қарор мамлакат суверенитетига қаратилган «хужум»дир

**Семинар**

## Демократия экспорти: унинг оқибатлари

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти раҳбарияти ташаббуси билан ташкил этилган навбатдаги семинар яна бир қарра Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида тилга олинган уч муҳим масала ҳануз долзарб бўлиб қолаётганини кўрсатди. Мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг раҳбарлари ҳамда фаоллари иштирок этган «Демократия экспорти: унинг оқибатлари» мавзусидаги мазкур илмий-амалий семинар бир жиҳати билан бошқа тадбирлардан батамом фарқ қилди, дейиш мумкин. Яъни турли қарашларга, ўзига хос мақсад ва муддаоларга эга бўлган бешта партия вакиллари ягона мақсад — она-Ўзбекистонимизнинг миллий манфаатлари йўлида ягона куч эканликларини бир овоздан таъкидладилар.

зиммасига юклатилаётган масъулият хусусида сўз юритди.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кун ҳар биримиздан ана шундай муносабатни, уйғоқликни талаб қилапти. Чунки бу масала ҳаёт-мамот, эркинлик, ўтмиш ва келажак олдидаги масъулият масаласи ҳамдир.

Сўзимиз якунида яна бир масалага эътибор қаратиш лозим, деб топдик. Юртбошимизнинг «...мамлакатимиз ва унинг атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга доимий дахлдорлик ҳисси билан яшашимиз даркор.

Токи шу юртда яшайдиган ҳар қайси инсон ана шу мураккаб ижтимоий жараёнлардан ҳар томонлама хабардор бўлиб, уларга нисбатан ўз фикри ва муносабатига эга бўлсин, нима ҳақиқату нима бўҳтон ва уйдирма эканини англаб ета олсин», деган фикрлари икки кун давом этган илмий-амалий семинар иштирокчилари томонидан қайта-қайта тақдорландики, бу ҳам бўлса, сиёсий институтларимиз зиммасига юклатилган яна бир муҳим вазифалардан бири — фуқароларимизнинг сиёсий фаолликларини ўстириш йўлидаги изланишлари зое кетмаётганини кўрсатади.

Бу эса яна бир бор сиёсий манфаатлар тўқнашаётган бугунги мураккаб бир шароитда фақат ўз шахсий фикри ва позициясига эга бўлган халқнинг энгилмаслигига ишорадир.

**Ўз мухбиримиз**

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.М. Тешабоев ана шу ақдилликнинг бугунги кундаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди, дейиш мумкин. Унинг фикрича: «Ҳар қандай сиёсий ҳаёт табиатан инжиқ ва айна пайтда зоҳиран тинч ва ботинан зиддиятли воқелик эканини унутмаслигимиз лозим. Жамият ҳаётида шундай ҳодисалар юз бериши мумкин, улар аста-секинлик билан кундалиқ турмуш мавжларидан қудратли тўқинларга, майин шабодалардан бўронлару довулларга айланади. Демократикманки, бугунги кунда биргаликда ҳаракат қилишнинг янада уюшган чораларини, жип-сигимиз ва теран фикр-мулоҳазаларимизни ана шундай кучларга қарши қўйишимиз керак».

марказий кенгаши раиси Л. Фуломов эса демократияни экспорт қилувчи кучларнинг мақсад ва муддаоларига эътибор қаратди. ХДП етакчисининг фикрича, демократияни экспорт қилувчи бундай кучлар марказий Осиёда сиёсий барқарорлик бўлишидан манфаатдор эмаслар. Уларни кўпроқ геостратегик ҳамда геоиқтисодий манфаатларига қизиқтираяпти, холос.

Андиша оstonаси... Биз кўпинча ана шу чегарани ҳаётнинг энг хавфли чорраҳаси дегимиз келадими яна андишага борамиз. Аммо бундай масъулиятли дамларда ҳар қандай андиша, бағрикенглик ўрнини реал таҳлиллар эгаллаши шартлигини тушуниб етдик, ниҳоят.

«Фидокорлар» миллий демократик партияси етакчиси, таниқли сиёсатчи А. Турсунов глобаллашуш шароитида эндигина ривожланиш йўлига кирган мамлакатлар олди-

да миллат ва давлат сифатида ўзига хослигини сақлаб қолишдан иборат жуда муҳим вазифа турганлигини таъкидлади. ФМДП етакчисининг фикрича, бугун ер юзидаги ҳар қандай инсон ўз-ўзига бизлар қай даражада уйғоқмиз, деган саволни бериши лозим. Чунки ён-атрофимизда руй бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан ички масъулиятни сезаётган кишилар худбинлик, лоқайдлик ва бефарқликни, кулфат ва разолатни ўзининг ёки ўзганикига бўлиш қанчалик қимматга тушиши мумкинлигини ўйлаб кўришлари керак.

«Миллий тикланиш» демократик партияси етакчиси Х.Дўстмухамедов эса демократия экспортини оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган халқаро хавф эканлигини таъкидлади.

«Адолат» социал-демократик партияси раҳбари Д.Тошмухамедова эса миллий манфаатларимиз йўлида партиялар



## Бандихонда О'zLiDeP аъзоларига ишонч ортмоқда

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар Йўғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунига асосан Сурхондарё вилоятидаги 807 та фуқаролар йўғинида ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантириш мақсадида сайлов ўтказишга киришилди.

тилган эди. Сайлов куни 1 минг 380 нафар овоз бериш ҳуқуқига эга фуқародан 69 нафар ваколатли вакил иштирок этди. Ақсарият кўпчилик О'zLiDeP аъзоси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими бошлиғи Дилором Менгниёзовани ёқлаб овоз берди.

— Дилором Менгниёзовани маҳалла аҳли ташкилотчи ва ташаббускор инсон сифатида яхши билади ва ҳурмат қилади, — дейди О'zLiDeP туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Искандар Қобилов. — Айна пайтда маҳалланинг янги раиси О'zLiDeP фаоли сифатида ҳам алоҳида ҳурмат-эътибор топган аёл. Ана шундай яхши хислатлари билан у маҳалладошларининг назарига тушган.

Шуни айтиш керакики, жанубий вилоятнинг энг кенжа туманларидан бири — Бандихонда 40 минг 600 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бу йилги тадбирда мавжуд 5 та қишлоқ ва 18 та маҳалла фуқаролар йўғинларида ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайланади.

**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ**

Бандихон туманида дастлабки сайлов «Бандихон» маҳалласи фуқаролар йўғинида бўлиб ўтди. Ишни гуруҳ тавсияси билан маҳалла раиси лавозимига 3 номзод кўрса-

### Диққат: сохта мухбир!

Кейинги пайтларда тахририятимизга келадиган маълумотлар, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида «XXI asr» газетаси номидан «фаолият» кўрсатаётган сохта мухбирлар пайдо бўлиб қолганидан далолат бермоқда.

Шу боис корхона ва ташкилотлар, фермерлар ва тадбиркорлик тузилмаларининг мутасадди раҳбарларидан ўзини «мухбирман» деб таништираётган шахсларнинг найрангига учмасдан, унинг ҳужжатларини синчиклаб ўрганиши, айниқса гувоҳномаси қайси тахририят томонидан берилгани, амал қилиш муддатини аниқлашни, сохталиклар сезилган тақдирда дарҳол тахририятимизга ёки О'zLiDePнинг вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига хабар етказишларини сўраймиз.

Тахририят

### ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!



Кўрғазма 23-26 май кунлари (10.00 дан 18.00 гача) ЎзЭКСПОмарказда бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Эрон Ислום Республикасининг Арок савдо-саноат палатаси ҳамда ушбу давлатнинг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда учинчи ихтисослаштирилган саноат маҳсулотлари кўрғазмаси ташкил этилмоқда.

**Узоқ ва яқин хорижда**

### Италия

#### БЕРЛУСКОНИ ЧЕКИНМОҚЧИ ЭМАС



Мамлакат соhib бош вазири Сильвио Берлускони сешанба куни ҳукумат раҳбари лавозимига ўз номзодини яна қўйиш нияти борлигини айтди. «Мен мухолифат етакчиси бўлиб қоламан ва ўнг марказдан бош вази лавозимига ўз номзодимни қўяман», — деди у Кижги ҳукумат саройида бўлиб ўтган хайрлашув матбуот анжуманида.

Сўл коалиция раҳбари Романо Проди сешанба куни президент Жоржо Наполитанодан янги ҳукуматни тузиш учун мандат олди. Берлускони қуршовидаги манбалардан матбуотга маълум қилишларича, соhib бош вази сенадта жуда оз устуликка эга бўлган Проди коалицияси ички қарама-қаршиликлар босими остида тез орада парокандаликка учрашига ва парламентга муддатидан аввал ўтказиладиган сайловларга йўл очиб беришига ишонади.

Берлускони парламентда овоз бериш пайтида Проди кабинетини мутлақо қўллаб-қувватламаслигини, шу йўл билан унинг инкирозга учрашини тезлаштиришига умид боғлаётганини очик айтди.

**Куба**

#### ТУҲМАТНИНГ УМРИ ҚИСҚА



Озодлик оролининг ўзгармас раҳбари Фидель Кастро тўғридан-тўғри телеэфирда Америкада чиқадиган «Форбс» журналида эълон қилинган унинг 900 миллион доллар миқдорига бойлиги борлиги ҳақидаги маълумотларни рад этди. Нуфузли нашр дунёдаги энг бадавлат 10 та президент рейтингига уни еттинчи ўринга қўйган эди. «Форбс» тарқатган маълумотга қараганда, бу пуллар давлат компаниялари ва корхоналарини ўзининг шахсий назоратида ушлаб турган Куба раҳнамосига тегишлидир.

Кастро бундай гапларнинг барчаси «тамоман бемаънилик», деб айтди ҳамда «Жорж Бушнинг буйруғи билан тўқилган очикдан-очик бўҳтон» эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. — Лоқал бир доллар қўйилган банкдаги ҳисоб рақамим бўлса, майли, иsob қилиб беришини, шунда дарҳол истеъфога чиқаман, — деди у.

Бинобарин, бундан аввал Европа Иттифоқи вакиллари Беларусь президенти Александр Лукашенконинг хориждаги ҳисоб рақамини музлатиб қўйиш ниятида эканликларини айтишган эди. Лекин Минскда бундай таҳдидга хотиржам муносабатда бўлишди. Лукашенко фаразгўйларга «унинг хориж банкларидаги ҳисоб рақамини тезроқ топишлари ва ўша пулларни ўзларида қолдиришларини» маслаҳат берганди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 16 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобовларни юритиш, шунингдек, божи ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	938,54
1 Англия фунт стерлинги	2312,98
1 Дания кронаси	211,57
1 БАА дирҳами	332,28
1 АҚШ доллари	1220,31

1 Миср фунти	211,77
1 Исландия кронаси	17,34
1 Канада доллари	1097,89
1 Хитой юани	152,49
1 Малайзия рингити	338,98

1 Польша злотийси	405,46
1 СДР	1831,70
1 Туркия лираси	872,09
1 Швейцария франки	1019,22
1 ЕВРО	1576,88

10 Жанубий Корея вони	12,99
10 Япония иенаси	111,28
1 Россия рубли	45,29
1 Украина гривнаси	241,65

# ИЖТИМОЙ ҲАЁТ

**ВАТАН бекиёс хақиқат,  
■ ҳаёт ва адолат рамзи**

ДАВРА СУҲБАТИ

## ...Катта карвон ўтаверади

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ташаббуси билан ташкил этилган навбатдаги — “Ахборот урушлари шароитида ёшлар билан ишлаш” мавзусидаги давра суҳбатида сиёсий партиялар “Ёшлар қаноти” гуруҳларининг фаоллари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ёш вакиллари, пойтахтимиздаги олий ўқув юртлирининг фаол талаба, магистрант ва аспирантлари иштирок этдилар.

### ■ Ўз мухбиримиз

Тадбирда глобаллашув ва ахборот алмашинув жараёнлари шиддат билан ривожланган бир пайтда ёшлар онгига мафқуравий иммунитетни шакллантириш, уларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш масалалари бўйича фикр алмашилди.

Таъкидландики, айрим давлатлар ўз геосиёсий мақсад-

ларидан келиб чиққан ҳолда “ўз стандартларига жавоб бермайдиган” бошқа давлатларга босим ўтказаяптилар, уларнинг аҳолиси, аввало ёшлари онгига ёт гоёларни тикиштириш орқали салбий таъсир кўрсатаёптилар. Хусусан, демократияни экспорт қилиш, мамлакатлардаги ички вазиятни издан чиқариш, халқаро майдонда уларни обрўсизлантиришга қаратилган уриниш-

лар ҳамон давом этаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Бунда, аввало, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда.

Давра суҳбати иштирокчилари таъкидлаганларидек, бундай хуружларга қарши жавоб бериш мумкин ва зарур. Буни учун одамлар, аввало, ёшлар доимо огоҳ ва сиёсий билимдон бўлишлари лозим. Агар ёшларимиз теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга нисбатан фаол фуқаролик позициясида турсалар, ҳар қандай ахборот хуружлари чиппака чиқади. Яъни гоёга қарши гоё, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш керак.

Давра суҳбатида Ўзбекистоннинг ахборот стратегиясини ишлаб чиқиш зарурати туғилгани ҳам таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори асосида О‘зЛиДеР Навоий вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган навбатдаги тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О‘зЛиДеР фракцияси аъзоси Матлуба Бурҳонова маъруза қилди.

## Огоҳликка даъват

### ■ Олим ХҲҲАЕВ

У тўпланганларни 2005 йилнинг 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида содир этилган жинсий-террористик ҳаракатлар юзасидан тузилган Парламент мустақил комиссияси томонидан тайёрланган тахлилий материаллар билан атрофлича ташиштирди. Аҳолини, айниқса, ёшларни яна бир бор лоқайд бўлмасликка, ҳушёрлик ва огоҳликка, Ватан ва мустақиллик қадрини англашга чақирди.

Шундан сўнг сўзга чиққан О‘зЛиДеР Навоий вилоят кенга-

ши аъзоси, Халқ депутатлари Навоий вилоят кенгаши депутати Шавқиддин Жамолов, “Галаба” маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Муҳаббат Жалилова, “Ҳаёт” маҳалласи оқсоқоли Ҳолиқул Алиев ва бошқалар ҳам Андижон воқеаларига ўз муносабатларини билдирган ҳолда келгусида бундай дахшатли ҳолатларнинг такрорланмаслиги кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ эканлигини таъкидлади.

Учрашув сўнггида коллеж талабалари ижросида концерт намойиш этилди.

## Юзма-юз мулоқот

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар самараси кўп жиҳатдан фермерларнинг соҳага оид билим ва тажрибалари, шунингдек, ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлигига ҳам боғлиқдир.

### ■ Зулфия ПҮЛАТОВА

Тошкент вилояти ҳокимлиги «Фермер хўжаликлари уюшмаси»нинг вилоят филиали билан ҳамкорликда жойлардаги фермер хўжалиқларида хизмат кўрсатиш тизimini яратиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида мутасадди идоралар вакиллари иштирокида туманларда ўқув семинарлари ўтказилмоқда. Уларнинг навбатдагиси Янгийўл туманида бўлиб ўтди.

Бугунги кунда мазкур туманда 1812 та фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Уларнинг 1027 таси жорий йилда ташкил этилган янги хўжалиқлардир. 9 та муқобил МТП, 11 та ёнилғи қуйиш, 9 та қишлоқ хўжалик ўғитлари тарқатиш шохбосчаси ва 3 та агрофирма қишлоқ мулкдорлари хизматида.

Семинар-ўқувда «Фермер хўжаликлари уюшмаси» вилоят филиали, адлия, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, “Ўзқишлоқхўжалиқмашинизинг”, “Ўзагроосуғурта” вилоят филиали вакиллари ва банк мутасаддислари қишлоқ мулкдорлари билан бирга очик мулоқотда бўлдилар. Савол-жавоблар асосида ташкил этилган машғулотлар давомида хўжалиқни бошқариш, ҳисоб-китоб ишларини юритиш, қорхоналар ўртасида шартномавий муносабатларни йўлга қўйишда эътибор бериш зарур бўлган жиҳатлар юзасидан атрофлича фикрлашиб олинди.

## Талабалар ҳузурида

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши қошидаги Сиёсий таълим марказида бир қатор олий ўқув юртлири талабалари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзоси Мавжуда Ражабова, Қонунчилик палатаси депутати Насим Алимов, партия вилоят кенгаши масъул ходимлари иштирок этдилар.

### ■ Асхор ИСТАМОВ, “XXI asr” мухбири

Партия вилоят кенгаши раиси Мансур Зокиров тадбирни кириш сўзи билан очаркан, ёшлар онгига миллий истиқлол гоёларини шакллантириш, уларни турли ахборот хуружлари ва ёт мафқуравий гоёлар таъсиридан ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муаммоларни бартараф этиш борасида О‘зЛиДеР фаоллари зиммасига алоҳида масъулият юклатилганлигини таъкидлади.

Маълумки, шу кунларда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунига асосан жойларда сайловлар бўлиб ўтмоқда. Бу муҳим сиёсий тадбирни ушшоқлик билан ўтказиш, сайлов жараёнида демократик тамойилларга қатъий амал қилиш диққат марказида бўлиши лозим. Сайловларда аҳоли барча табақалари, жумладан, ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш муҳим масалалардан биридир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Н. Алимов, ўз чиқишида асосий эътиборни ёшларда тўлиқ маънодаги фуқаролик туйғусини шакллантириш, уларни миллий қадриятлар, шарқона урф-одатлар руҳида тарбиялаш борасида жойлардаги партия тузилмалари олдида турган муҳим вазифаларга қаратди.

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти доценти, фалсафа фанлари номзоди Маҳид Азимов, “Истиқболли авлод” ахборот-маърифий маркази раҳбари Абера Хусейнова, талаба-ёшлардан Юлдуз Раулова, Баҳром Аҳмедов, Соҳида Амонова ва бошқалар учрашувда сўзга чиқиб, кун тартибидagi масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилишди, тўпланганларни Ватан ва халқ манфаати йўлида сиёсий ҳушёрликни бўшаштирмасликка даъват этишди.

Тадбир сўнггида талаба-ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

## Халқаро кўргазма

“Ўзэкспомарказ”да “Ўзбекистон нефти ва гази” деб номланган халқаро кўргазма очилди. Юртимизда ўнинчи бор ташкил этилаётган мазкур тадбир иштирокчилари сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Шу пайтга қадар унда жаҳоннинг 35 мамлакатидан 700 дан ортиқ компаниялари иштирок этди. Айтиш мумкинки, ушбу кўргазма Ўзбекистоннинг соҳага сармоя киритмоқчи бўлган хорижий компаниялар учун қулай имконият яратмоқда. Шу боис унга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораёпти.

### ■ Ўз мухбиримиз

Бу галги кўргазмада 120 мамлакат номидан қатнашган тармоқ компаниялари икки кун давомида Тошкентда ўз имкониятлари ва ишлаб чиқариш қувватларини намойиш этдилар.

Нефть ва газ қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш бўйича энг сўнгги замонавий технологияларнинг намойиш этилгани кўргазма иштирокчиларида алоҳида қизиқиш уйғотди. Тадбирда, шунингдек, етакчи нефть ва газ компаниялари янги конларни излаб топиш ва ишга туширишдаги сўнгги ютуқларни, Марказий Осиё минтақасидаги углеводород захиралари бўйича ишланмаларни намойиш этдилар.

Халқаро кўргазма доирасида “XXI асрнинг ипак йўли: нефть ва газ секторининг Марказий Осиё мамлакатлари интеграциясидаги аҳамияти” мавзусида халқаро конференция ҳам ташкил қилинди.

МУЛОҚОТ

## Уч авлод учрашуви

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, аҳоли ўртасида миллий истиқлол гоёсини кенг тарғиб этиш, дунёда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган сиёсий жараёнларга нисбатан фуқароларда онгли муносабатни шакллантириш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган кенг қўламли оммавий-ташқилий тадбирларда партия тузилмаларининг иштироки ва таъсирини янада кучайтириш учун бугунги кунда кўп иш қилинмоқда.

### ■ Феруза ЭҒАМОВА

Маълумки, жорий йилнинг 3 апрелида мамлакатимиз Президентининг “Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори эълон қилинган эди. Ушбу қарорнинг мазмун ва моҳиятини кенг халқ оmmasига етказиш, Хотира ва қадрлаш кунини муно-

сиб нишонлаш мақсадида О‘зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти билан ҳамкорликда “Шу азиз Ватан — барчамизники” мавзусида кеча ташкил этди. Тадбирни О‘зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари М. Акрамова кириш сўзи билан очиб, юртимизда баркамол авлодни камол топтириш, республика раҳбарияти томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликка жавобан ёшлар-



ни фаоллаштириш, уларда юртга дахлдорлик, миллий қадриятларимизга садоқат туйғусини шакллантиришга қаратилган мулоқотлар, давра суҳбатлари ва баҳс-мунозаралар ташкил этиш, миллий истиқлол гоёсини кенг тарғиб қилиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси эканлигини таъкидлаб ўтди.

Андижон воқеалари тасвирланган видеоларга намойиш этилди, у дин ниқобини кийиб олган разил кимсалар-

га нисбатан ёшларда ғазаб ва нафрат уйғотди. Улар тинч ўтган ҳар бир кунимиз нақадар азиз ва қадрли эканлигини англаб етдилар.

Кечада О‘зЛиДеР фаоллари сўзга чиқиб, аҳолини, айниқса ёшларни ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўпланган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий-маънавий мероси билан яқиндан таништириш, уларни қадрлашга, эъзозлашга, миллати-


миз тарихига нисбатан юксак ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини юксалтиришга қаратилган амалий ишларни кучайтириш, аждодларимизнинг миллатимиз равнақи йўлидаги кураши, тарихда ўзбек халқининг озодлиги учун жон фидо қилган ҳадиҳлик ҳаракати намояндаларининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида гапирдилар, уларнинг порлоқ хотирасига нисбатан ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз эканлигини таъкидлашди.

Санъат ва маданият соҳасининг усталари бўлган уруш ва меҳнат фахрийлари оилаларни тарқатиб юборган, акани уқадан, болани отадан айирган қора кунлар машаққатини хотирлашар экан, бугунги дориламон замоннинг қадрига етиш, шукроналар айтиш лозимлигини айтишди. Юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиб келаётган бир гуруҳ хотин-қизлар партия сафига қабул қилиниб, уларга тантанали равишда аъзолик гувоҳномалари топширилди. Иштирокчиларга санъат институти талабалари томонидан тайёрланган байрам дастури намойиш қилинди.

ТАБРИК

## Муборак газни қайта ишлаш заводи жамоаси

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ”да бўлиб ўтаётган “Ўзбекистон нефти ва гази” деб номланган 10-Халқаро кўргазма ва конференция иштирокчиларини самимий қутлайди ҳамда улар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга ҳамиша тайёр эканлигини билдиради.



«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА

**ЎТМИШНИ унутмоқ ўзликни  
■ йўқотмоқ демакдир**

**АКС-САДО**

# Ватан келажакига масъулмиз

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида фаолият юрита бошлаган дастлабки йиллардан оқ мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш масаласи асосий стратегик мақсадлардан бирига айланди. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида "...аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, мамлакатимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган ноҳукумат ва жамоат ташкилотларининг нуфузи ва таъсирини оширишга катта эътибор берилган"ни яна бир қарра таъкидлангани бежиз эмас.



■ Алишер СУЛТОНОВ, «Шўртангазимё» мажмуаси директори, Олий Мажлис Сенатининг аъзоси

2003 йилнинг 15 ноябрида жамиятимизнинг асосан ўрта ижтимоий қатлами сиёсий қарашларининг ифодачиси сифатида майдонга келган Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси қисқа давр ичида ислохотларнинг янада кенг қўламда амалга оширилиши учун масъулиятни зиммасига олиб, гоъялари, орзу-ўй ва муддаолари бир бўлган тadbirkor ва ишбилармонларнинг ўз сафларидан бирлаштири олдди. Бирок эришилган муваффақиятлардан мағрурлангани ҳали эрта, деб ўйлайман. Кўпчилик партия аъзоларимиз, айрим ҳудудий ташкилотлари-

миз етакчилари зиммаларидаги масъулиятни тўлиқ ҳис этмаётдилар. Аниқроғи, уларда сиёсий фаоллик етишмаётди. Юрт истиқболи, миллат келажакига дахлдорлик туйғуси, халқни эзгу ниётлар йўлида эргаштира оладиган, теран фикрли, Ватан ва халқ манфаатларига хизмат қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб биладиган инсонларгина қўзлаган мақсадларига эриша оладилар. О'zLiDeP — тadbirkorларнинг эркин фаолият кўрсатишлари учун кафолатли, ҳуқуқий шарт-шароит яратиш тарафдори. Бунинг учун одамларнинг меҳнатга, мулкка бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш, уларда тadbirkorлик кўникмаларини қарор топтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун иқтисодий негиз зарур. Бозор иқтисодиёти шароитида бундай вазифани фақат тadbirkor ва ишбилармонларгина удралашлари мумкин. Кичик ва ўрта бизнес, деҳқон ва фермер хўжаликлари ривожлантирилмас экан, аҳоли фаровонлигини таъминлай олмаймиз. Шу боис партиянинг ишларни кескин қулайтиришимиз, бунинг учун бошланғич ташкилотларга яқиндан кўмак беришимиз керак. Шахсан мен ҳар ойда икки маротаба сайловчиларим билан учрашаман. Улар муаммоларини ҳал этиш мақсадида дарду ўйлари билан танишаман. Ана шундай мулоқотлар самараси ўларок, Деҳқонobod туманида аҳолини иш билан таъминлаш учун муайян ишлар амалга оширилди. Чорвачиликни ривожлантириш, лалми бедачиликни кўпайтириш, ерости бойликларни қайта ишлашни йўлга қўйиш орқали мумкин

иш жойларини яратишга ҳаракат қилаёямиз.

Фузур тумани аҳолисини ичимли сув танқислиги қийнаб келарди. Сайловчилар бу ҳақда менга кўп бор мурожаат қилишди. Тегишли идоралар билан маслаҳатлашиб, қисқа фурсатда "Батош-Фузур" сув қувурларининг ярқисиз ҳолга келиб қолган қисми ҳамда туман марказидаги 5 километрга яқин қувурларни қайта таъмирлаб, Фузур шаҳрига ичимли сув келтирдик. Яқин ойларида шаҳарда ичимли сув танқислиги бутунлай барҳам топади.

Аҳолининг, айниқса, қишлоқ ёшларининг спорт билан шуғулланишлари учун етарли шарт-шароит яратиш мақсадида Фузур туманидаги стадионни оталиққа олиб, таъмирлади. Қарши шаҳрида яна 2 та стадион барпо этишга киришдик. "Геолог" ўйингоҳининг бир қисмини таъмирляёмиз. Унинг ёнида 2800 томоқабинга мўлжалланган ёпиқ стадион барпо этилапти.

Корхонамизда Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг 550 нафардан ортиқ аъзоси бор. Улар мажмуада кўлга киритилаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўишяпти. Жамоамизда ўтказилган кўп қабатли тadbirkorларнинг ташаббускори ҳам, ижросисини ҳам О'zLiDeP аъзоларидир. Масалан, Хомийлар



## Давра суҳбати шаклидаги семинар

12 май куни партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб ҳамда ёшлар ҳаётида мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш, улар онгида миллий истиқлол гоъяларини шакллантириш, мамлакатимизга қарши қаратилган ахборот хуружлари ва носоғлом мафқуралардан фуқароларимизни ҳимоя қилиш борасида депутатлик гуруҳларининг вазифаларини белгилаб олиш мақсадида О'zLiDePнинг Тошкент вилоятидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари ва аъзолари учун давра суҳбати шаклидаги амалий семинар бўлиб ўтди.

Тadbirkor О'zLiDePнинг Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари О.Шарипов кириш сўзи билан очди.

Кизгин баҳс-мунозараларга бой бўлган анжуманда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни, ижтимоий-сиёсий шароитга таъсири ҳамда О'zLiDeP депутатлик гуруҳларининг ННТлар билан ҳамкорлигини қучайтиришдаги асосий вазифалари, шунингдек, фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови жараёнида О'zLiDeP ҳудудий бўлималари ва бошланғич ташкилотларининг тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг шакли ва усуллари каби мавзулар муҳокама марказида бўлди.

## Депутатлик гуруҳларининг долзарб вазифалари

**Сирдарё.** Партия ташкилотлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакиллари иштирокида "Ёшлар онгида миллий истиқлол гоъяларини шакллантиришда, мамлакатимизга қарши қаратилган ахборот хуружларидан ва вайронкор мафқуралардан уларни ҳимоя қилишда, ёшлар ҳаётида мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишда депутатлик гуруҳларининг вазифалари" мавзусида ўқув-услубий семинар машғулотлари ўтказилди.

Демократик жамиятни барпо этишдаги муҳим вазифалар, глобаллашув жараёнида турли хавф-хатарларни бартараф этишда маънавий-маърифий ишлар самарасини оширишга қаратилган долзарб масалалар ва уларнинг ечими йўллари тўғрисида О'zLiDeP вилоят кенгаши қошидаги Сиёсий таълим маркази директори А.Бурҳонов батафсил фикр юритди. Нотижорат мамлакатимиз миллий манфаатлари ҳамда ҳақсизлигини, жамиятимиздаги ислохотлар, демократия ва янгилаштирилган сиёсатини кенг аҳоли ва ёшлар онгида синдириш, маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишларида иштирок этиш ҳар бир зийлининг ватанпарварлик бурчи эканлигини таъкидлади.

## Касаначилик БПТ назоратида

**Хоразм.** "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тadbirkorлари тўғрисида"ги Президент қарори ижросини таъминлаш мақсадида партиянинг Хива туман кенгаши томонидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу қарор бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга эканини эътиборга олган ҳолда туман корхона ва ташкилотларида, бошланғич партия ташкилотларида тadbirkor ва фермерлар, аҳолининг турли қатламлари билан учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Жумладан, йирик саноат корхоналаридан бири бўлган "Хива Карпет" қўшма корхонаси бошланғич партия ташкилотларининг корхона маъмуриятига йўллаган тақдирининг тўғрисида 34 та хонадонда касаначилик билан шуғулланишга шарт-шароит яратилди.

Шунингдек, "Хива гилами" акциядорлик жамияти, "Хива сополи" МЧЖда ҳам касаначиликни ривожлантириш мақсадида бошланғич партия ташкилотларининг тadbirkorлари белгиланди. Ҳозирги кунда уй шароитида маҳсулот тайёрлаш учун корхона томонидан хом ашё, зарур анжум ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш режалаштирилган.

## Халқаро оила кунига бағишланди

15 май куни Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида "Хомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда Халқаро оила кунини муносабати билан "Оила — жамият таянчи" мавзусида анжуман ўтказилди. Тadbirkor Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ф.Абдурахимова, О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари М.Ақромова, партия Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Г.Иномжонов ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи К.Қомилов иштирок этишди.

Тadbirkor Миробод туман ФХДБ бўлими биносининг фойдаланишга топширилиши маросими муносабати билан бир неча ёш оила, ушбу эгиз фарзанд қўрган оила, воғна етмаган болаларни фарзандликка олган ота-оналар хомий ташкилотлар томонидан таъсис этилган қимматбахо совғалар билан тақдирландилар, шунингдек, ёш келин-куёвларнинг никоҳдан тантанали ўтиш маросими ташкил қилинди.

## Ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз

Халқимиз яқиндагина Хотира ва қадрлаш кунини нишонлади. Бу кенг маънодаги муҳим тарихий санадир. Саховат, хомийлик хислатлари хотира ва қадр тушунчалари билан ўзаро уйғунлик касб этади. Муҳтарам Президентимиз 9 май куни пойтахтимиздаги Хотира майдонига ташриф буюриб, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига самимий эҳтиром кўрсатди, тинч ва осуда ҳаёт учун азиз жонини қурбон қилган юртдошларимиз хотирасини ҳурмат билан эслади.

■ Ҳаётхон КАРИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Зеро, жангу жадалларни бошидан кечирган кексалар, фронт ортидаги машаққатли меҳнати билан фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган кишиларга юсак эҳтиром кўрсатиш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳар биримизнинг муҳим инсоний бурчимиздир.

Айниқса, ана шу амаллар Хомийлар ва шифокорлар йилида янада кенг қўламда амалга оширилаётгани бежиз эмас. Инсон хотирасини улуғлаш, унга ҳаётлигида қадр-қиммат кўрсатиш энг эзгу тadbirkorларимиздандир.

Биз хомийлик деганда меҳр-муруват, саховатпешаликни тушунамиз. Бунинг замирида теран маъно бор. Аслида меҳр-муруват ва саховатпешалик халқимизнинг маънавий қадриятларидан ҳисобланади.

"Хомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастурида "Хомийлик тўғрисида" қонун қабул қилиш назарда тутилган. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан бу борада маълум ишлар амалга оширилмоқда. Хомийликни инсон юрагидаги эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси деб биламиз. Хомийлар деганда, ён-атрофдаги бева-бечоралар, етим-есир, меҳтож кишиларга ёрдам беришга, қадрдон кишига ёки шахрнинг обод қилишга интиладиган, бир сўз билан айтганда, савоб иш

ниҳоятда саховатпеша инсон бўлганлар. Адабий манбаларда келтирилишича, улғу зот ўз маблаглари ҳисобига Хиротда, бутун Хуросон давлатида жуда кўп бинолар, мадраса, шифохона, карвонсарой, кўприк, йўллар барпо эттирганлар. Жумладан, Хиротдаги "Ихлосия", "Низомия", "Шифоия", Марвадаги "Хусравия" мадрасалари, Хиротдан ташқарида қурилган "Работи ишк", "Работи санг", Нишопур шаҳри атрофидаги "Работи яздубоз", Гуласт булоғи билан



қилиб яшайдиган инсонларни тасаввур этамиз. Саховатли инсонлар ёрдамга муҳтож кишиларнинг оғирини енгил қилиш экан, бундан ўзлари ҳам руҳ ва илҳом олиб, янги ютуқлар сари чоғланадилар. Улуғ бобоқалонларимизнинг хомийлик борасидаги фаолияти ҳаммамизга ўрнак бўлиши лозим. Хусусан, соҳибқирон Амир Темур, буюк шоир ва давлат арбоблари Алишер Навоий, Бобур Мирзо, тарихат илми намояндалари Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Хожа Аҳрор Валий, дунёвий билимлар ривожига бекиёс қилиб қўшган Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби буюк зотларнинг саховатпешалик бобидаги хайрли ишларини тарихдан яхши биламиз. Даҳо шоиримиз ҳазрат Навоий ҳаётда оддий, камтар, адолатли ва

Машҳад шаҳри оралигида қазилган ариқ, шоир Фариддин Аттор қабрига ўрнатилган мақбара ва бошқа қўллаб-иншоотларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ҳазрат Навоийнинг буюклиги шундаки, у инсонларга яхшилик қилиш борасида ирқ, миллат ва динга қараб иш тутмаган, кўш барчага турбаб нур сочганидек, бутун башариятга мурувват кўзи билан қараган.

Хомийлар ва шифокорлар йилида халқимизга хос мурувват, саховатпешалик хислатлари янада ёрқинроқ намоеён бўлиши шубҳасиз. Зеро, хайрли амалларни муносиб равишда давом эттириш, кўнгли ўқисқ инсонларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш барчамизнинг эл-юрт олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Тинч ва осуда ҳаёт кечирish учун биргина орзунинг ўзи камлик қилади. Буни кўхна тарих, отабобларимизнинг янғичи кечмишидан қабардор ҳар қандай одам яхши билади. Халқ қачонки халқ сифатида шаклланмас, туғилиб ўсган Ватанининг ҳар қирчи ери муқаддас эканлигини англаб етмас, улуглари ортидан эргашиб, ягона мақсад йўлида бирлашмас экан, бу юрда ҳеч қачон осойишталик бўлмайди.

## Ҳаёт ҳақиқати биз томонда

■ Тўрабек НАЗАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Бугун ана шу ҳақиқатни англаб етиш учун узоқ мезгилга мурожаат этиш шарт эмас. Айни пайтда жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга тийрак назар ташлаб, улардан керакли хулоса чиқариб олишнинг ўзи кифоя.

Мустақил Ўзбекистонимиз ўтган салкам ўн беш йил мобайнида не-не қалти вазиятларни бошдан кечирмади. Ана шундай кезларда давлатимиз раҳбари бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, кўксини юртга қалқон қилмаганида, халқимизни эса турли хомхаёл чакриқ ва даъватлар ортида ётган мақсадлардан ўз вақтида огоҳ этмаганида, нималар юз беришини тасаввур этиш қийин эмас.

Яратганга беадад шукри, бундай беҳаловат дамлар ортда қолди. Аммо бу — "энди хотиржам яшайвериш мумкин" дегани эмас, албатта. Давлатимиз раҳбарининг 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини алоҳида таъкидлаганларидек, узоқ ўтмишимиз ҳамда яқин тарихимизда рўй берган воқеа-ҳодисалардан тўғри хулоса чиқариб яшашимиз, буюк миллат воришлари, ягона оила фарзандлари сифатида келажак авлодлар олдидаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда яшашимиз лозим.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик менга нима берди, эмас, аксинча, мен мустақилликни нима бердим, деган савол ҳаётимиз мазмунига айлансагина етуқ миллат мақомига эришамиз.

## Истиқбол сари

Дунёқарашим эндигина шакллана бошлаган ўсмирлик йилларимизда телевидение, матбуотдаги чиқишлардан, турли китоблардан халқимиз асрлар мобайнида орзу қилган мустақилликка ниҳоят эришганимиз ҳақида ўқиб, эшитиб, қалбим фахрга тўларди.

■ Фарход Мўминов, Тошкент темир йўл муҳандислари институти талабаси

Энди-энди тушунишимча, мустақиллик шунчаки эркинликнинг ҳис этиб яшашдан ҳам кўра кўпроқ катта масъулият, келажак учун доимо қайғуриш экан. Чунки бугун нафақат минтақамизда, балки дунёнинг турли бурчқаларида рўй бераётган воқеалар

мустақилликни мустаҳкамлаш учун доимий равишда курашиш ҳаётий зарурат эканлигини кўрсатапти. Биз учун кураш майдонлари аудиторияларда, воқеаларга мустақил муносабатимизни билдирадиган минбарларда бўлиши керак.

ИНСОН МАНФААТИ — ОЛИЙ КАДРИЯТ

ШАРҲЛАР

ДАЛИЛЛАР

ВОҚЕАЛАР

# МУНОСАБАТ

ЭНГ макбул фазилат —  
Ватанга ва одамзотга  
кўрсатилган хизматдир

## Нодавлат нотижорат ташкилотлар

жамият миллий манфаатларига хизмат қилган тақдирдагина  
мустаҳкам таянчга айланишлари мумкин

Айни пайтда бутун дунёда нодавлат нотижорат ташкилотларга фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, иқтидори ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, жамият ҳаётидаги иштирокини янада кенгайтиришнинг асосий воситаси сифатида қаралаётгани бежиз эмас. Турли ифодалаётган ННТлар фаолияти шунинг ўзи билангина чекланиб қолаётгани йўқ, албатта. Эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришда айнан ана шу тизим зиммасига алоҳида масъулият ҳам юклатилмоқда. Улар ана шу вазифани адо этаётганлари учун ҳам ташқи сиёсий кучлар, алоҳида давлатларнинг нишонига айланоқдалар.

### Шерзод ЭРАЛИЕВ

Бошқача айтганда, кудратли давлатлар ва муайян сиёсий куч марказлари ўз мақсадларига эришиш учун, аввало, забт этмоқчи, ўз таъсир доирасига олмақчи бўлган мамлакатлар аҳолисининг онгини эгаллашга, ўзига қарама қаршига интилади. ННТлар эса аҳолининг кенг қатламлари орасига осон қилиб боровчи, уларни ўзро боғлаб турувчи восита сифатида жуда камхарж, айни пайтда самарали омил бўлиб қолди.

Маълумки, айни пайтда ННТларнинг аксарияти жамият ҳаётининг у ёки бу соҳасида тадқиқотлар олиб бориш, жамоатчилик фикрини ўрганиш, хайрия тadbирлари ўтказиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланишга бағлиқ. Бир қарашда бундай тadbирлар жамият тараққиёти учун катта наф келтириётгандек бўлиб кўринади. Чунки хайрия, саховат кўрсатишдек олижаноб туйғулар барча халқларга хос бўлган қадриятдир. Лекин ушбу ташкилотларнинг аксарияти ўз тадқиқотлари, хайрия ишлари учун маблағни ташқаридан, яъни пул бериш орқали фақат ўз мақсадларини кўзлайдиган ташкилотлар, улар ортидаги давлатлардан олаётгани бундай хатти-ҳаракатлар қандай мақсадларга қаратилганини кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, айнан молия омили нодавлат ташкилотларини "бююртмачи" талаблари асосида ўзаро рақобатлашишга мажбур этапти. Минг афсуски, бундай рақобатлар аввал-бошда кўйилган, белгиланган эзгу мақсадлардан чалғитилгани учун ҳам бузувчилик ҳаракатларига олиб келаётди. Дейлик: "бююртмачи" у ёки бу давлат ҳукуматининг маълум бир қарори бўйича аҳолининг "салбий" муносабати ёки жамиятдаги бирор орғилқ нуктани (эйтибор беринг: ҳали масала ўрганилмай туриб, "салбий" ёрқини кўйилмапти) ўрганиш учун грант эълон қилади. Грант, кутилганидек, бююртмачи наздида, "энг холис" тадқиқот олиб борган ННТга берилади. Ёки журналист, ҳуқуқ ҳимоячиси қанчалик "таъйиб кўрган" бўлса, у ҳақ ёхуд ноҳақлигини қатъий назар, ҳар томонлама рағбатлантирилади, қаҳрамонга айлантирилади. "Рақиб"ларнинг ҳукуматга қанчалик қарши позицияда турса, шунчалик кўп молиявий рағбат олаётганини кўрган ННТларнинг кейинги ҳаракатлари, умуман фаолияти ҳам шунга яраша бўлади. Айниқса, демократия, инсон ҳуқуқлари, сўз эркинлиги, экология муаммолари билан шуғулланувчи ташкилотлар орқича қийинчиликларсиз "бююртмачи"лар ёрдами олишлари мумкин.

Шу ўринда масаланинг нозик бир жиҳатига эътибор қаратиш ўринлидек туюлади. Биз юқорида тилга олган тadbирларга четдан туриб ёрдам бераётганлар бир қарашда оддий одамларга, айниқса грант олувчиларга саховатпеша ва юксак умуминсоний мақсадларни кўзлаётган бўлиб кўринади. Лекин турган гапки, мушук ҳеч қачон текинга офтобга чиқмаганидек, "бююртмачи"лар ҳар қанча бой бўлмасинлар, фойда келтирмайдиган ишга сарик чақа ҳам сарфламайдилар. Грант ажратаётган давлатларда молиявий оқимлар тўғрисидаги маълумотлар жамоатчиликнинг доимий назоратида эканини инобатга олсак, масала янада ойдинлашади. Тўғри, ҳамма ерда бўлганидек, башарий қадриятларни ҳурмат қиладиган оддий одамлар инсонпарварликка асосланган идеалистик гояларнинг бутун дунёда кенг қулоч ёйиши лозимлигига чиндилдан ишонадилар. Лекин бошқа давлатлар ҳудудини ҳам қамраб оладиган бундай лойиҳалар учун катта миқдордаги маблағлар керак, уларни эса фақат ул ҳудуд молиявий ресурслари, шунга яраша ўз манфаат ва мақсадларига эга бўлган, бу мақсадлар учун бююртмачи бўлиб чиқаётган давлатларгина ажратилари мумкин.

Ана энди ҳақиқий ҳолатининг бир кўз олдингизга келтириб кўринг. Ташқи кучлар, ташқи маблағлар эвазига шакллантирилган ушбу тармоқ энди ўз навбатида жамият иқтисодий-сиёсий ҳаётининг барча жаҳалларини қамраб олиши, ўз кучини кўрсатиш имкониятларига эга бўлиши мумкин. Демократия, инсон ҳуқуқлари, дея бонг ураётган бузувчи кучлар асосида қандай мақсадларни кўзлаётгани мана шу ерда маълум бўлиб қолади.

Узоққа бормайлик: Сербия воқеалари бунга яққол мисол бўлиши мумкин. АҚШ ва Фарбий Европа давлатлари ўзларига қарама-қарши бўлиб турган президент Милошевични ҳокимиятдан четлатиш учун турли ташкилотлар, хайрия жамғармалари орқали 100 миллион АҚШ долларигача бўлган маблағни айнан ана шу йўл билан сарфлаганлари бугун ҳеч кимга сир эмас. Аҳоли, айниқса, ёшлар онгини эгаллашга сарфлаган ушбу маблағ ўзини оқламаслиги мумкин эмас эди. 2000 йилги сайловларда хориждан доимий ёрдам олиб турган нодавлат ташкилотлар норозилик намойишларини ташкил этишга бошчилик қилдилар.

Украинадаги нодавлат нотижорат ташкилотлар, турли ресурс марказларининг фаолияти жамиятда барқарорликнинг бузилишига сабаб бўлиши мумкинлиги эса 2004 йилги сайлов ва у билан боғлиқ

воқеалардан анча олдин ҳам маълум эди. Лекин, афсуски, бунга етарлича эътибор берилмади. Биргина мисол. АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) 2002-2003 йилларда давлат амалдорлари, депутатлар учун "Коррупцияга қарши ташаббус" деб номланган махсус курсни очдилар. Ана шу курс тингловчилари бир неча соатли машғулотларда қатнашганлари учун ҳам 200-500 доллар миқorida стипендия олдилар. Агар бу пулларнинг тингловчилар ойлик маошидан анчагина кўплигини ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг қонунчилик жараёнида, умуман давлат ишларида Фарб гояларини, манфаатларини ёқлаб чиққанлари сабабларини тушуниб этиш қийин эмас.

Жаҳон банки сайтида (www.worldbank.org) жойлаштирилган "Украинада фуқаролик жамияти ривожланиши ва зарғалдоқ инкилоб" деб номланган мақолада Халқаро сиёсий тадқиқотлар маркази (ICPS) директори Вира Навинска мамлакатдаги 40000 га яқин нодавлат ташкилот умумий аҳолининг 12 фоизини қамраб олганини ёзади. Мақолада чет эллик маслаҳатчилар, экспертлар, мутахассисларнинг қандай йўл билан маҳаллий тадқиқотлар билан биргаликда қонунчиликни ўзгартириш, муайян манфаатлар тарафдорларидан фойрат гуруҳлар ташкил қилиш, мустақил ОАВни қўллаб-қувватлаш, норозилик ҳаракатларини шакллантириш билан шуғулланганликлари батафсил ёритилган. Тўғри, қонунчиликни тақомиллаштириш ёки ОАВни қўллаб-қувватлаш каби ҳаракатлар ўтиш даврини бошидан кечираётган давлатлар учун фойдали бўлиши мумкин. Бироқ бундай лойиҳаларни молиялаш олишга эришиш мумкин эмас.

Гарчи ушбу мақола демократия ва инсон ҳуқуқларини бундан кейин ҳам кенг тарғиб қилиш керак, дея Америка манфаатларини ифодаласан-да, айрим масалаларга ҳолисана ёндашгани билан эътиборга моликдир. Хусусан, ҳозирги Оқ уй маъмурияти ушбу соҳада олиб бораётган ишлар самара бераётганлиги мақолада алоҳида таъкидланадики, бу ҳам бўлса, юқоридаги фикрларимизни исботлашга хизмат қилади.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага эътибор қаратиш ўринлидек туюлади. Тўғри, айрим зиёли кишилар орасида ҳали ҳам "АҚШ бутун дунёни демократлаштиришга интилаётган бўлса, бунинг нимаси ёмон?" қабилида фикрловчилар бор. Аммо халқаро муносабатлар ҳар қандай воситалар билан ўзгалар устидан ҳукмронлик ўрнатилган қоидаларга асосланган экан, бутун дунё тақдирини учун Американи масъул, деб билалаётган Вашингтон сиёсатчилари учун демократия ва инсон ҳуқуқлари жуда қулай ниқоб бўлиб хизмат қилаётганини бир дақиқа бўлса-да, унутмаслик лозим. Шу маънода эркин фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим роль ўйнайдиган ННТлар фаолиятини ҳам устамонлик билан АҚШ ташқи сиёсати буйсундиришга уринаётганлари бежиз эмас.

Бутун дунёда нодавлат нотижорат ташкилотларга қаратилаётган эътиборнинг тобора ортиб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Нафақат МДХ мамлакатлари ёки минтақамизга қўшни Хитойда, балки узоқ хориж давлатларида ҳам ННТларнинг демократия "улашмоқчи" бўлаётганлар қўлида қурол-

ларда эса АҚШ ташкилотлари томонидан молиялаштирилган ННТларнинг Грузия, Украина ва Қирғизистон воқеаларидаги ўрни таҳлил қилинади. Унга кўра, оммавий сафарбарликнинг ёшларга қаратилган янги усуллари Америка ташқи сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланган "режим алмаштириш"да жуда катта омил бўлиб хизмат қилган. "Сценарий жиҳатидан бирига жуда яқин бўлган ушбу уч инкилобда демократия ва инсон ҳуқуқлари билан шуғулланган ташкилотларнинг ўрни ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, улар Вашингтон ташқи сиёсати учун жуда катта вазифани ҳал қилиб берапти. Қўшма Штатларнинг қай бир ҳудудда манфаати бўлса, ўша ерда дарров инсон ҳуқуқлари ва демократия гоялари олдинга сурилади".

Энди мурдаюга ўтайлик. Р. Ашрапова "Назарбек" ширкат хўжалиги тарқатилиб, унинг негизидида фермер хўжаликлари ташкил этилишидан хабар топган, кўпчилики каторида ширкат хўжалигини тугатиш махсус комиссиясига ариза билан мурожаат этди. Уни белгиланган тартибда қондалар асосида талабгорлар рўйхатиغا киритишди. Мазкур хўжалик ҳудудидида махсус комиссия томонидан очик ер майдонлари бўйича 17 та лойиҳа ишлаб, чиқилиб, тендер иштирокчиларга тақдим этилди. Рихси опа эса "6-лойиҳа" талабгорлари сафидида эди. Хуллас, танлов ўтказилди. 15 нафар иштирокчи голиб деб топилди. 6-лойиҳа талабгорлари орасида эса юқорида таъкидланган нуфузли комиссия аъзоси (этибор беринг — тахр!), бунинг устига тугатилган ширкат хўжалигининг ер ўлчовчиси жано

Убайдулла Ортиқбоевнинг "қули" баланд келди. У ҳақ-ҳуқуқини яхши билган ва танловда қандайдир гирромлик бор, дея шубҳага борган Р. Ашрапова натижаларидан норози бўлиб, туман мутасаддиларига, адлия идоралари ва, албатта, қонун устуворлиги учун масъул бўлган нуфузли идора — туман прокуратурасига шикоят билан мурожаат қилди. Ораддан кўп ўтмай аризага, яъни Р. Ашраповага қуйидаги жавоб йўлланди:

"... Мазкур тендер натижалари туман прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилганда У.С. Ортиқбоевга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 19 ноябрь куни 1523-сон билан рўйхатга олинган "Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов голибларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низом"нинг 20-банди талаблари бузилган ҳолатда тақдим қилинган мол-мулклар ва техника воситаларини бўлажак фермер хўжалигининг устав фондига киритиш учун барча мулкдорларнинг нотариал тасдиқланган **розилиги олинмасдан туриб** балл бериш ҳолатлари йўл қўйилган..."

Жавобдан кўриниб турибдики, Р. Ашраповадан 1 (бир) балл юқори баҳо олган У. Ортиқбоевнинг хатти-ҳаракатлари бўйича танлов тартиблари бузилган. Хўш, бундан қандай хулоса чиқариш мумкин? Шу ўринда Р. Ашрапованинг норозилиги асосси эмас экан-да, дегинг келди. Бундан ташқари, агар бу қондалабурликка (шундай дейиш мумкин бўлса) комиссия аъзоси бўлган У. Ортиқбоев эмас, бошқа бир оддий фуқаро йўл қўйганида, ҳужжат қабул қилганлар қаёққа қарадилар, дейиш мумкин эди. Яна бир гап. Танлов арафасида бўлиб ўтган тугатиш комиссияси мажлиси баённомасида "Комиссия аъзоси У. Ортиқбоев (эйтибор беринг: голиб даввогаринг — тахр!) 8-лойиҳадаги Жураев Ш.нинг дипломи нотариусда тасдиқланмаганлиги учун қабул қилмаслигини тақдир этди..." деган жумлаларга кўзимиз тушди. Бу эса комиссия аъзоси У. Ортиқбоевнинг Низом талабларидан яхшигина хабардор эканлигини кўрсатади. Яъни ҳужжатларни расмийлаштиришда ҳеч қимга имтиёз берилмаслиги тарафдор бўла туриб, ўзи шундай хатоларга йўл қўйган.

Бу эса, Низом талабларини атайин бўлмас-да, лекин биллиб туриб, қасддан бузган деган, хулоса қилишга асос бўлмайдими?

Худди шундай эътироз туман прокуратори томонидан Р. Ашраповани ҳам билдирилди: "... Шунингдек, Сизга ҳам махсус комиссия томонидан "Ашрап ота" фермер хўжалигининг шартнома мажбуриятларининг бажарилиши тахлил қилинмасдан туриб балл қўйилган, сабаби — юқоридаги Низом талабларига асосан фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлар раҳбарларига иқтисодий кўрсаткичлар учун эмас, балки маҳсулот етказиб бериш учун кон-

## О'ZLiDeP ДАН ЗАНГИОТА ТУМАН КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА САЙЛАНГАН ФЕРМЕР АЁЛ ТЕНДЕР-ТАНЛОВЛАР ЎТКАЗИШДА АМАЛДАГИ ҚОНУНЛАР ОЁҚОСТИ ҚИЛИНГАНЛИНИ, ТУМАН РАҲБАРЛАРИ ЭСА БУНГА ТОМОШАБИН БЎЛИБ ТУРГАНЛАРИНИ ТАЪКИДЛАБ, ТАҲРИРИЯТГА МУРОЖААТ ҚИЛДИ

тракция шартномаси мажбуриятлари бажарилиши учун балл қўйилиши керак эди..."

Хуқикатан ҳам Низомда худди шундай талаблар аниқ-тиниқ белгилаб қўйилган. Прокуратура ходимларининг эслатмаси ва таъкидлари ҳам бежиз эмас, албатта. Аммо "Ашрап ота" фермер хўжалиги чорвачилик ва сабзавот етиштиришга ихтисослашганлигини ёддан чиқармаслик лозим. Мутахассисларнинг фикрига кўра, контракция шартномаси асосан пахта ва галла учун тузилар экан. Бундан "Ашрап ота" фермер хўжалигига бу талаблар қўлланилмайди, деган хулоса келиб чиқади. Шу боис туман прокуратурининг юқоридаги мулоҳазасини қайсибир ҳижатдан баҳоли, дейиш мумкин.

Хуллас, танлов якуни бўйича комиссия аъзоси Убайдулла Ортиқбоев жами 64 балл тўплаган ҳолда голиб деб топилди. Рихси Ашрапова эса 63, яъни 1 балл фарқ билан ортда қолди. Аммо мавжуд ҳужжатларни синчиқлаб ўрганиш натижасида галати ҳолатга дуч келдик. Яъни дастлабки ҳужжатлар бўйича танловнинг 1-босқичида Рихси Ашрапова 55, Убайдулла Ортиқбоев эса 54 балл тўплагани кайд этилган. Лекин 2-босқичда опа 8, рақиб эса 10 балл тўплаганлиги қайд этилган анкета варақасидида баҳоларнинг айрилими "тузатиш"гани кишида шубҳа уйғотади. Қўйилган баҳолар нега ўзгартирилди, деган саволимизга эса махсус комиссия раиси О. Бобононовдан: "Шундай қилишга ваколатимиз бор" деган жавоб олдик.

Ана энди мазкур масалага холис ёндашиш кўрайлик. Биринчидан, тендер ўтказишга масъул бўлган хўжалик аъзосининг ўзи талабгор сифатида танловда иштирок этиши мантиққа зиддир. Иккинчидан, нега танлов баллари иккинчи босқичда очик-ойдин ўзгартирилди? 6-лойиҳа бўйича фермер хўжалигини ташкил этиш бўйича талабгорларга танлов якунида қўйилган балларнинг ҳисоб-китоби даввалиди, гарчи ҳайъат аъзоси У. Ортиқбоев томонидан талабгорларга бирон-бир балл қўйилмаган бўлса-да, аммо А. Юлдашев ҳамда О. Бобононовнинг таклифи амин-эркинлик билан 10 рақамини 7, 8 рақамини эса 10 рақамига алмаштиришларининг боиси нимада?

Кўриниб турибдики, бундай ўжар саволларга кимдир жавоб қайтариши керак, албатта. Биз ана шу саволларимизга жавоб излаб туман прокуратурасига мурожаат қилиш энг тўри йўл, деган қарорга келдик.

Туман прокуратори Обид Хамроевдан прокуратура ким ҳужжат сўраса, қўшқўлаб бериб юборадиган идора эмаслигини, қандай савол ёки сўров бўлса, фақат ёзма равишда мурожаат этишимиз лозимлигини "тушуниб" етдик. Тўғри, прокуратур бошқаларга нисбатан тартиб-қондаларни яхши билади, боз устига қатъиятли, мурасола бўлиши керак. Аммо муомала маданияти деган гап ҳам бор-ку! Журналистга шундай муомалада бўлган мутасадди раҳбарнинг оддий фуқарога қандай муносабатда бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Хуллас,

фермер муаммоси бир четда қолиб, биз Обид Хамроев билан журналистларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида баҳслаша кетдик. Ва, ниҳоят, прокурор ОАВ ходимлари фаолиятига оид қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳуқуқларимиз доирасида мурожаат этаётганимизни тушунгандай бўлиб: "... Аёл бўлганингиз учун ҳам сўраган ҳужжатингизни бераман..." — дея ёрдамчисига топширик берди.

Қўлимизга теккан мазкур ҳужжат "Назарбек" ширкат хўжалигини тугатиш махсус комиссияси раиси Озод Бобононов номига ёзилган тақдирномга эди. У билан танишгач, кулиш ёки куйишимизни ҳам билмай қолдик. Сабаби — очик ер майдонлари бўйича ишлаб чиқилган 17 та лойиҳанинг биронтасида ҳам Низом қоидаларига тўлиқ риоя қилинмагани кўриниб турарди. Хўп, бир, икки, борингки, бешта лойиҳа бўйича хатога йўл қўйилганини тушуниш мумкиндир. Бирок барча лойиҳалар бўйича ёлпасига қоидабузарликка йўл қўйилгани қандай тушуниш ва изоҳлаш мумкин?! (Прокуратур тақдимномасида 17 та лойиҳанинг ҳар бирида камида 2 тadan, жами 37 ҳолатда нотўғри балл қўйилгани қайд этилган — тахр!).

Ана энди шунча хатога йўл қўйган комиссия раиси, котиби ва аъзолари фаолияти ҳақида қандай хулоса чиқариш мумкин? Биз мақола аввалида қонун устуворлиги ҳақида бежиз сўз юритмадик. Дейлик: юқоридаги хатти-ҳаракатлар негизда атайин шундай хатоларга йўл қўйилган бўлса, унинг жавобгарлиги ҳам шунча яраша бўлиши керак эмасми? Зеро, тугатиш комиссиясининг бундай ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида қанчадан-қанча тadbirkorларимиз сарсон бўлмоқдалар! Йўқотилган вақт, бузилган асаблар, пучга чиққан умидлар учун ким жавоб беради?

Ха, дарвоқе, шу йилнинг 31 март куни айнан ана шу танлов натижаларини ўрганган туман прокуратураси ходимлари уларнинг 6 таси бўйича "Назарбек" ширкат хўжалиги тугатиш комиссиясига протест киритганлигидан хабар топдик. Протестда белгилаб берилган талаблар қай даражада қондилангани ҳақидаги маълумотдан фойдаланиш мақсадида апрель ойининг охирида яна Обид Хамроевга мурожаат қилдик. Саволимиздан жаҳли чиққан прокуратур хали ҳеч қандай жавоб келмаганлигини ўқитра кетди. Шундан сўнг "Назарбек" ширкат хўжалигини тугатиш махсус комиссияси раиси Озод Бобононов билан бўлган савол-жавоб чоғида прокуратура томонидан киритилган протест тақдир билан қизиқдик. О. Бобононов бу масала бўйича 8 апрель куни туман комиссиясининг мажлиси ўтказилганлигини айтиб, бизга унинг асосида тайёрланган жавоб 10 апрелда туман прокуратураси томонидан қабул қилиб олинганлиги қайд этилган ҳужжат нуҳасини кўрсатди. Бироқ жавоб мазмуни билан таниша олмадик. Эмишки, у прокуратурага тайёрланган ҳужжат ва унга боғлиқ бирор маълумотни ўша идорадан олишимиз мумкин экан. Шу ерда балки О.

Хамроев ҳақиқатан ҳам бу маълумотнома прокуратурага топширилганидан бехабармикин, деган фикр ўти ҳаёлимиздан. Ана шундай ҳаёл билан яна прокуратурага сим қўқдик. Ундан: — Ха, намунча бу шикоятга ёпишиб олдингиз? Нима бу ишда жудаям "заинтересованныйми"? — деган жавобни эшитдик.

Бугун мазкур мақола орқали ана шу зардали саволга ҳам жавоб қайтарилса, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз. Бизнингча, адолатнинг қарор топишидан барчамиз бирдек манфаатдор бўлмоғимиз шарт. Шубҳа аталмиш туйғуга ўрин қолдирмаслик учун, одамлар, айниқса, элу юртини ўйлаётган, иқтисодийетимизни янада ривожлантириш, дастурхонимизни тўкин-сочин қилиш учун тиним билмаётганлар йўлидаги гов ва тўсиқларни олиб ташлашдан манфаатдорми. Буни яширмаймиз. Аммо O'zLiDePдан депутатликка сайланган ва талабгорлар орасида ягона аёл Р. Ашрапованинг мақола чоп этилаётганда яна тахририятга таширф буюриб, айган сўзлари бўлиб ўтган тендердан манфаатдор бошқа томонлар ҳам бор экан-да, деган фикримизни янада муस्ताҳкамлади.

Акс ҳолда тендер-танловнинг ноҳақ ўтгани хусусидаги 18 нафар фуқаронинг аризасига нега туман ҳокимлиги ҳанузгача жавоб қайтармайти?

— Худди шундай ариза 2006 йилнинг 15 мартида туман прокуратурасига ҳам берилган, — дейди опа куюниб.

Бундан ташқари, Р. Ашрапова илгариги протестлар Тошкент вилоят прокуратурасининг холис ходимлари арашуви билангина берилганини айтгандан кейин эса адолат қарор топишига буткул ишондик.

Ўйлаймизки, ёпиғлик қозон ёпиғлигида қолсин қабилда иш тутётган адлия мутасаддилар адлия идоралари, республика Фермер хўжаликлари уюшмасининг мазкур мижоро хусусидаги мулоҳазаларини, кеч бўлса-да, инобатга олишларига ишонгимиз келлади.

Яна бир муҳим далил. Ишончи манбалардан олинган маълумотларга қараганда, 7, 8 ва 9-лойиҳалар учун тўлов бергина фирма томонидан амалга оширилганлиги ҳам бу қарор ортида сирли кўллар турганини кўрсатапти.


Мақола якунида танлов комиссияси раиси Озод Бобононов билан бўлган ўзаро суҳбат чоғида айтилган бир гапни ҳам эслашни ўринли деб ҳисобладик: — Танлов якунлари бўйича туман, қолаверса, вилоят ҳокимининг қарорлари чиқиб бўлган. Мабодо, танлов бошқатдан ўтказилган тақдирда ҳам, барибир Убайдулла Ортиқбоев ютиб чиқадди. Танлов иштирокчиларига баҳо қўйишда 17 та лойиҳанинг барчасида хатога йўл қўйган комиссия раисининг бунчалик ишонч билан гапиришида биз билмаган сабаблар бормикин? Лекин, нима бўлганда ҳам, бу "сабаб"лар ҳақиқатнинг юзага чиқишига ўқиқтин киллолмас керак.

Ўтганларни ёд этиш, хотирасини абадилаштириш биз, тирикларнинг муқаддас бурчимиздир. Мамлакатимизда ҳар йили 9 майни Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлаш яхши анъанага айланган.

## Инсон хотираси — муқаддас

**■ Дониёр КАМОЛ**

Шу муносабат билан муқаддас қадамжолар ободонлаштирилади, марҳумлар ёдга олинади, қабрлари пойига гулчамбарлар қўйилади. Бу йил ҳам жойларда ушбу анъана давом эттирилиб, хайрли ва савоб ишларга қўл урилди.



Куйичирчиқ тумани марказий шифохонаси жамонаси, хусусан, бош шифокор, O'zLiDeP туман кенгаши аъзоси Нусратилло Холиқовнинг саъй-ҳаракати билан касалхона ҳудудидида эл-юрт саломатлиги йўлида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган марҳум инсонларга эҳтиром рамзи сифатида хотира лавҳаси ўрна-тилди.

— Унга 81 нафар ҳамкасбимизнинг номи зарҳал харфлар билан битилган, — дейди Н. Холиқов. — Зеро, устозларнинг порлоқ хотираси уларни таниган ва билган яқинлари, фарзандлари, қолаверса, шогирдлари ёдида абадийдир.

## Янги қўшма корхона

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2005 йил 11 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидида қўшимча чоратadbirlar тўғрисида"ги Фармони чет эл инвесторлари сарможаларининг мамлакатимизга кириб келиши учун янада кенг йўл очди.

**■ Орзуғул РАСТАМОВА /ЎзА/**

Бу эса иқтисодийетимизни жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлаётди. Пойтахтимиздаги "Йўлдош Охунбобоев номли бош қийимлар фабрикаси" масъулияти чекланган жамияти хайрли ишга қўл урди: Малайзиянинг "Tway texco sdn bhd" компанияси билан ҳамкорликда янги "Uz-Tway texco" қўшма корхонаси ташкил этилди.

Малайзиялик сарможалдорлар 150 минг АҚШ долларилик инвестиция киритиб, корхонанинг тенг ярим акциясига эга бўлди.

— Мамлакатимизда спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмаётгани спорт инвентарлари, жумладан, либосларига бўлган эҳтиёжни янада оширмоқда, — дейди фабрика директори А.Исмоилов. — Шу боис янги қўшма корхонани спорт қийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирмоқдамиз. Қўшма корхона замонавий технология ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Яқин куларда бу ерда махсулотнинг дастлабки туркуми ишлаб чиқарилади. Зарур хом ашё маҳаллий корхоналардан олинади.

## КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Банклар ассоциацияси аукцион саволарини ташкил этиш агентлигининг Сурхондарё филиали 2006 йил 19, 21, 23, 26 июнь кунлари ўтказилган навабдаги кимошди савдосига Сурхондарё вилоят Денов туман суд ижрочилари бўлиммаси томонидан тақдим этилган қуйилган мулкларни савдога қўяди:

1 Денов туман "Саноатенергомонтаж" шўба корхонаси ҳисобидидаги Термиз участкасининг бино ва иншоотлари мажмуа ҳолида. **Бошланғич қиймати 1-839 422 сўм.**

1. Идора биноси. **Бошланғич баҳоси — 1 382 113 сўм.**

2 Омборхона биноси. **Бошланғич баҳоси — 179 767 сўм.**

3 Бостирма биноси. **Бошланғич баҳоси — 277 542 сўм.**

II "Ўзқишлоқэлектротурлиш" АЖнинг Термиз шаҳри, 6-сонли МКҒа қарашли 1981 йилда ишлаб чиқарилган 16-14 СДО давлат рақами (техник носоз) "УАЗ 469" автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 150 000 сўм.**

III "Сурхонангорқувчи" МЧЖга тегишли бўлган, суд бошқарувчиси томонидан тақдим этилган қуйилган автотранспорт воситалари:

1. "ЗИЛ 133" автомашинаси, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 19 АГ 014. **Бошланғич баҳоси — 631 962 сўм.**

2. "ГАЗ-САЗ 3507" автомашинаси, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 66 53 СДМ бошланғич баҳоси — 210758 сўм.

3. "Кубань ПК 702" автобуси, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 88-24 СДЛ **Бошланғич баҳоси — 177 480 сўм.**

4. "УАЗ 3303" автомашинаси, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 28-50 СДМ **Бошланғич баҳоси — 223714 сўм.**

5. "Т 40" трактори, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 53-25 СМ **Бошланғич баҳоси — 202620 сўм.**

6. "Т 28" трактори, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 61-66 СМ **Бошланғич баҳоси — 202620 сўм.**

*Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Тadbirkorлар маркази биноси, 2-қават, 10-хона. Телефон: 222-81-09, 22-68-321. Харидорлар савдо бошланғичидан уч кун олдин УБА Сурхондарё филиали Аукцион савдолари ташкил этиш агентлиги ҳисоб рақамига муҳим бошланғич нархининг 10 фоизи миқдоридида гаров пули тўлашлари шарт. Ҳисоб рақами: 20208000404227899010. Илтожа банкки Термиз шаҳар бўлими. МФО: 00356.*

ШИКОЯТ ИЗИДАН

ҚАДРИЯТ

ХУШХАБАР

ЭЪЛОС

**МАРД кишига қараганда кўрок  
■ одам кўпроқ жанжал чиқаради**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

РОССИЯ-АҚШ

## Кўш стандартлар ортидаги ҳақиқат

«The National Interest» журнали муҳаррири ва Никсон маркази илмий ходими Николас Гвоздевинг таъкидлашича, Америка Россиянинг яна оёққа туриб олиши ва ўзини намоён этишини кутмаганди. Нуфузли «Goldman Sachs» сармоявий банки Россия яна 20 йилдан кейин Европанинг энг йирик ва кучли иқтисодий давлатига айланишини башорат қилмоқда.

АҚШнинг Жоржтаун университети политология фанлари профессори Тейн Густавсон «Бугунги кунда Россия 20 йиллик пасайишлардан сўнг марказлашган кучли давлатни шакллантириб, янгидан туғилмоқда. Унинг бу мақсадни нафақат биз, балки бўлажак тарихчилар ҳам ягона тўғри йўл, дея баҳолашларига шубҳа йўқ» — деб ёзади. Дарҳақиқат, Собик иттифоқ парчаланиб кетганидан кейин ҳукм сурган сиёсий бошбошдоқлик ва турли ички ихтилофлар туфайли ҳам жисман, ҳам маънан, ҳам иқтисодий жиҳатдан заифлашган Россия маълум муддат нафақат халқаро майдондаги, балки минтақавий ишларга ҳам таъсир кўрсата олмай қолганди.

■ **Қаҳрамон Қўлдошев**


Ўтган асрнинг 90-йиллари бир ёдга олайлик. Ушанда совуқ уруш Россияни толиқтириб қўйгани боис у Европа, Осиё, Яқин Шарқ ёки Африкадаги ўз таъсир доирасини бирин-кетин бой бера бошлади. Бироқ нефть қазиб чиқариш кўпайгани, 1999 йилдан бошлаб жаҳон бозоридида «қора олтин» нархи кескин кўтарилгани сабабли Москванинг қудрати яна ошди. Бугунги кунда Россияда Чеченистон уруши сабаб юзага келган ички парчаланиш хавфи бартавроқ этилиб, тартиб ўрнатилган, халқаро сатҳда эса мамлакатнинг яна фаоллашгани ҳам Путиннинг прагматик сиёсати меваларидир, дейишга етарли асослар бор. Бу — ҳали ҳаммаси эмас. Нуфузли «Goldman Sachs» сармоявий банки Россия яна 20 йилдан кейин Европанинг энг йирик ва кучли иқтисодий давлатига айланишини башорат қилмоқда. У пайтага бориб мамлакат ЯИМ ҳажми 3 трлн. долларга етди. Экспертлар ҳам бу башорат ҳақиқатга мос келишини тасдиқламоқдалар.

Аммо Россиянинг иқтисодий қудрати Фарбда хаворит туғдираётганини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Бундан, айниқса, уммонорти давлати жуда безовта бўлаётгани расмийларнинг баёнотларидан ҳам яққол сезилиб қолаётди. Ўтган ҳафтада АҚШ вице-президенти Дик Чейнинг Вильноса сўзлаган нутқи Вашингтоннинг Россияга муносабати тубдан ўзгараётганига ишора қилди. Ута консерватор, нефть магнати, Россияга нисбатан бўлакча «теҳри» билан танилган Дик Чейни Москвани демократик тамойиллардан узоқлашганликда, энергетик бойликларидаги эътиборнинг кўрқитишда қурол сифатида фойдаланаётганликда, уларнинг ҳудудий яхлитлиги ва демократик тараққиётига тўсқинлик қилишда айблади. Гап шундаки, Москва 2005 йилдан бери барча давлатлар билан савдони бозор муносабатлари асосида олиб боришни, имтиёзлар вақти ўтганлигини таъкидлаб, нефть ва газни кўшни Украина, Грузия ва Арманистонга юқори нархларда сотишини маълум қилган эди. Агар бу шантаж деб баҳоланса, Россия ўз иттифоқчилари — Арманистон ва Беларусга ҳам етказиб берадиган махсулоти учун юқори нархлар белгиламаган бўларди. Ваҳолаки, Вашингтон бировлар ўртасидаги савдо-сотик алоқаларига, бировнинг қимдан қандай махсулот сотиб олиши ёки олмастлиги мавзуга аралашини мантқиққа тўғри келмайди. Чунки бозорнинг ўзига яраша қонун-қоидалари бор. Аслида бошқаларни кўрқитиш ва қамал қилиш — Америкага хос хусусият.

Вице-президент Дик Чейнинг Литвада сўзлаган маърузаси Американинг ер юзидидаги муаммоларга кўш стандартлар асосида ёндашишини яна бир марта кўрсатди. Масалан, халқнинг хоҳиш-иродаси билан президентликка яна сайланган Беларусь раҳбарини ҳеч иккиланмай диктатор деб атади, бу билан Беларус сай-

ловчиларининг нафсониятини ҳам поймол қилди. Вильностан кейин Чейни АҚШ давлат департаментининг сўнгги ҳисоботида инсон ҳуқуқлари бузилишида кескин танқид қилинган Қозғистонга йўл олди. Албатта, бу ерда демократик тамойиллар ёки инсон ҳуқуқлари эмас, аксинча Қозғистон нефтини ташишининг арзон ва Россияни четлаб ўтадиган йўллари муҳокама этилди. Буларнинг барчаси кўш стандартлар сиёсати ортида манфаат ва яна манфаат ётганининг ифодасидир.

Бугун Москвани ўзаро муносабатларда «кувурлар дипломатияси»га устуллик бераётганликда қоралаётган АҚШ аслида Каспий нефтини Россияни четлаб ўтиб, Озарбойжон, ундан Туркия орқали Европалари олиб чиқадиган Боку-Тбилиси-Жейхан лойиҳасини амалга оширишга тиш-тирноғи билан ҳаракат қилмоқда ва Марказий Осиё ҳамда Каспий денгизи захираларига эга бўлиш учун Россияни ушбу минтақадан суриб чиқаришга интилаяпти. Шунинг учун ҳам Оқ уй маъмурияти стратегик аҳамият касб этувчи Кавказ давлатларидаги жанжалли муаммоларга астойдил аралашушга бел боғлади. Вильнос анжуманида Чейни Грузиядан ажралиш пайида юрган Абхазия ва Жанубий Осетияни Москва қўллаб-қувватлаётганига ишора қилди. Ваҳолаки, Грузиянинг ҳозирги президенти ҳам асосан «Сэм тога» молиялаштирган нодавлат нотижорат ташкилотлар ёрдамида ҳокимият тепасига келганлиги бугунги кунда ҳам Жорж Сороснинг Очкч ҳамият институти жағғармаси садақаси эвазига кун кечираётгани жаҳон оммавий ахборот воситаларида ҳамон ёзилаяпти. Хуллас, Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиёдаги ранг-баранг инқилобларнинг барчасида бир хил — «АҚШда ишлаб



чиқарилган» деган тамғани кўриш мумкин. Россияда ҳам ана шундай ўйинлар қилишга уриниш бўлди. Бироқ ҳукумат томонидан ўз вақтида қўрилган чора — нотижорат ташкилотлар тўғрисида қабул қилинган қонун фитна уоштириш билан машғул ташкилотларнинг Россиядаги фаолиятини тақиқлаш ёки демократияни бўғиш тариқасида талқин этилди. Мана шу масалада АҚШ президентининг собиқ маслаҳатчиларидан бири Ричард Кларнинг эътирофини ёдга олиш ўринлидир. Таниқли сиёсатчи «Биз Монронинг хар қандай бегона давлатнинг Фарбий яримшардаги ишларга аралашувиغا йўл қўймаслигини керак, қабилидаги доктринасини муқаддас деб биламиз», лекин Россия ёки МДХ давлатларининг ички ишларига аралашувимиз уларни газаблантирмамиз, деб ўйламаймиз. Сизнинг ҳовлигизга бир-ров назар ташламаса, нега би-

дан, Кремлнинг Яқин Шарқ ишларига аралашуви, айниқса Фарба террорчи сифатида қўриладиган Хамас билан музокаралар ўтказиши Вашингтоннинг минтақадда яқка ҳукмронлик қилиш сиёсатига зарба берди. Учинчидан, Қўшма Штатларнинг МДХ маконидида ўзини эркин тутишига берилган вақтлар ўтиб кетди. Тўртинчидан, Россия ўз энергетик тизимига Фарбининг сармоя киритишини чеклади. Бешинчидан, Россиянинг халқаро майдонда ўз манфаатларига асосланган сиёсат юрита бошлагани уларни хаворитга солиб қўйди. «The National Interest» журнали муҳаррири ва Никсон маркази илмий ходими Николас Гвоздевинг айтишича, Америка Россиянинг яна оёққа туриб олиши ва ўзини намоён этишини кутмаганди. Бу эътироф Фарб дунёси Москва тимсолида тенгхуққуқли ҳамкорни кўришни истамаётганлигига яна бир далилди. Чунки улар ҳамон ким биз билан бўлмаса, у бизга қаршидир қабилидаги фикрлар билан яшайтилар.

Қўшма Штатлар вице-президентининг танқиди жавобсиз қолмади. 10 май куни Владимир Путин Федерал Кенгашига йўллаган йиллик мақбудаги ташқи сиёсат ва хавфсизлик мавзуга тўхталиб, Чейни зарбасига зарба билан жавоб қайтарди: «Дунёда нималар содир бўлаётганини кўриб турибмиз. Ўртоқ бўри кимни ейишни билади. Ейди, лекин ҳеч кимни тинглашни истамайди. Эшитиш нияти ҳам йўқ». Москвага Фарбдан мана шундай ахборот хуружлари давом этаётган, айрим давлатлар фазога қурол олиб чиқишни режалаштираётган вазиятда Россия давлат раҳбари мамлакат хавфсизлигини таъминлашга қодир замонавий қуроллар ишлаб чиқиш, харбий соҳага бюджетдан ажратилдиган маблағ оширилиши кераклигини таъкидлади. Чунки НАТОни кенгайтириш орқали Россияни Европанинг шарқи ва жанубидан ўраб қелаётган, шу орқали унинг суверенитетини барбод этиш пайида юрган манфаатпараст давлатлар хавфи Россияни, хавфсизлик масаласига жиддий эътибор қаратишини талаб этмоқда.

## Сафдошлар можароси



Кеча Украинада зарғалдоқ коалицияни шакллантириш борасидаги музокаралар жараёни тўхтатилди. Мулоқотларнинг асосий иштирокчилари — Юлия Тимошенко ва «Наша Украина» блоклари яна ўзаро бир-бирларини айблашга ўтдилар.

Украинанинг рангли инқилобни амалга оширган сиёсий кучлари мана икки ойдири, бир жамоада ишлаш мумкин бўлган шартлар бўйича бир тўхтама кела олмаётдилар. Юлия Тимошенкoning коалицион ҳукумат тузилмасдан туриб давлат лавозимларини тақсимлаш ва бош вазирлик курсисини эгаллаш режаси «Наша Украина» ни музокаралардаги иштирокини тўхтатишга мажбур этди. Ваҳолаки, душанба куни инқилобчиларнинг яна бир қаноти — социалистлар партияси вакили Иосиф Винский музокаралар номидан баёнот бериб, коалицион келишувнинг матнига томонлар розилик билдирганини таъкидлаган эди.

Янги парламентнинг биринчи мажлиси эса 25 май куни бўлиб ўтади. Қонунга биноан, шу сандан кейин бир ой муддатда ҳукумат тузилиши керак. Агар бунинг имкони топилмаса, у ҳолда Олий рада тарқатиб юборилиб, такрорий сайлов ўтказилади.

ХИТОЙ



## Саммит олдидан

Хитоюда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди. Бу бир ойдан сўнг Шанхай шахрида ўтказиладиган юбилей саммити олдидан ташкил этилган сўнгги тадбирдир. Сал аввалроқ — 26 апрель куни Пекинда мудофаа вазирларининг учрашуви ташкил этилган, ушанда келгуси йили Россия ҳудудидида биргаликдаги харбий машғулотларни ўтказишга аҳдлашиб олинган эди.

Шанхай учрашуви давомида аъзо давлатлар раҳбарлари имзолаши керак бўлган ҳужжатлар бўйича яқиний келишувга эришилди. Ушбу ҳужжатлар орасида террорчи шахсларнинг ШХТ давлатлари ҳудудига киришига йўл қўймаслик, минтақадда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни хавф остига қўядиган вазиятларга қарши биргаликда ҳаракат қилиш, муҳим ахборотларни техник ҳимоялаш тўғрисидаги битимлар бор.

Маълум бўлишича, 15 июнь куни ўтадиган Шанхай саммитида Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажд кузатувчи сифатида иштирок этади.

КУВАЙТ

## Парламентда инқироз

«AlArabia» телеканали тарқатган хабарга кўра, Кувайт парламентида сайлов округлари сонини камайтириш масаласи бўйича можаро келиб чиққанди. Кузатувчиларнинг фикрича, парламент тарқатиб юборилиши ёки ҳукумат истеъфога чиқиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Парламент аъзолари сайлов округлари сонини 25 дан 10 тагача қисқартириш бўйича кел қарорга кела олмаётдилар. Диний ва либерал партиялар вакилларининг бу тақлифига амалдаги ҳукуматга хайрихоҳ бўлган консерватив кайфиятдаги депутатларнинг қўпчилиги қарши чикаяпти. Улар бундай лойиҳанинг Кувайт конституциясига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини текшириш учун мамлакат конституциявий судига мурожаат қилишган.

Тахминан 20 нафар депутат парламент мажлисида қатнашиш ўрнига бино олдида намойиш уюштиришди. 200 нафар фуқаро намойишчилар сафига қўшилган.

Мамлакат бош вазири Носир ал-Муҳаммад ас-Сабоҳ лойиҳанинг конституциявий судга тақдим этилиши унинг қабул қилинишига ҳалақат бермаслигини айтиб, муҳолифати тинчлантиришга уринди.

ВЕНЕСУЭЛА

## Санкциялар қандай натижа бераркин?

Лотин Америкасидаги ахборот агентликлари тарқатган хабарларга кўра, Венесуэла АҚШ ҳукуматининг Каракасга қурол-яроғ сотишини тақиқлаш тўғрисидаги қарорини мамлакат суверенитетига «хужум», дея баҳолади.

— Венесуэланинг террорчилик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаётган давлатлар қаторига киритилиши мамлакат суверенитетига нисбатан адолатсизликдир, — дея баёнот берди мамлакат ташқи ишлар вазири Али Родригес. — Лекин бу бизни президент Уго Чавес танлаган йўлдан қайтаролмайди... Венесуэла АҚШнинг Ироққа интервенциясини, шунингдек, Эронга нисбатан куч ишлатиш сиёсатини қаттиқ қоралайди.

Душанба куни АҚШ Венесуэлага қарши бир томонлама санкциялар қўйиб қирганини, террорчилар билан ҳамкорлик қилаётган давлат сифатида ушбу мамлакатга қурол-яроғ сотиш тўхтатилишини маълум қилган эди. Лекин кузатувчилар санкцияларнинг қўйилган натижани беришига шубҳа билдирмоқдалар. Аксинча, бу аксиламерика кайфиятидаги кишилар сонини кўпайтириб, баъзи давлатларни АҚШга қарши иттифоқлар тузишга ундаши эҳтимолдан йироқ эмас.

ХОЛИС ФИКР

ТАФСИЛОТЛАР

ВОҚЕАЛАР,

ХАБАРЛАР,

# СЎНГГИ САҲИФА

**ГАП ҳеч вақт хато қилмасликда эмас,  
балки уни мардларча тан олиб, ақл  
билан иш кўришдадир**

**ФУТБОЛ**

## Мағлубиятга тенг дуранг

Кеча футбол бўйича Осиё Чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларининг сўнгги турида Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси ўз майдонида Кувейтнинг "Ал Кодасия" клубини қабул қилиб, 2:2 ҳисобдаги дуранг натижани қайд этди.

**Шухрат ХЎЖАЕВ**

Мухлисларнинг хабарлари бор: ўтган турда Суриянинг ўртамиёна "Ал Иттиҳод" жамоасини мағлуб эта олмай, қимматли очколарни йўқотган "пахтакорчи"лар анча қийин вазиятга тушиб қолгандилар. Аниқроқ қилиб айтганда, 9 очко тўплаган "Пахтакор" 10 очкога эга "Ал Кодасия"ни мағлуб этган тақдирдагина кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритиши мумкин эди.

Гарчи ўйин "Пахтакор" марказий стадионига минглаб томошабинлар кўз ўнгида бўлиб ўтган бўлса-да, майдонда жамоа етакчиси — жароҳатланган Игнатий Нестеровнинг йўқлиги, фақат галаба учун тушган футболчиларимиз очик ўйин намойиш этолмагани ва асосийси — вакилларимизга омад кулиб боқмагани сабабли меҳмонлар ўзларини кониктирадиган натижага эришишди.

Тенг кураш остида бошланган учрашувдаги ҳисоб 6-дақиқада "Ал Кодасия" аъзоси Али Хусайн томонидан очилди. Шундай бўлса-да, саросимага тушмай, анча дадил ҳаракат қилган Валерий Непомняший шогирдлари учрашувнинг 12-дақиқасида Ринат Байрамовнинг аниқ зарбасидан сўнг ҳисобни тенглаштиришди. Иккинчи бўлимда майдонда мезбонларнинг устунлиги сезила бошлаган бўлса-да, 57-дақиқа уюштирилган қарши ҳужумларнинг бирида Халаф Мутаирий дарвозабон Тимур Жўраевнинг "хафа қилишга" эришди. Ўйиннинг асосий вақти тугаб бораётганда, захирадан майдонга тушган Анвар Солиев киритган тўп жамоани мағлубиятдан сақлаб қолди. Аммо бу дуранг мезбонлар учун мағлубиятга тенг бўлди. Шу тариқа "Пахтакор" ўтган мавсумдагидек, Осиё Чемпионлар лигаси билан хайрлашди.



**БИЗНЕС-БАШОРАТ**

22 - 28 май

**ҚҲЙ.** Хафта бошида илгари йиғиб қўйган пулларингизнинг деярли ҳаммасини оилавий бюджет чикимларини қоплаш учун сарфлашга мажбур бўласиз. Шунга қарамай, пайшанбадан то яқшанбагача бажарилган саломқли иш кайфиятингиз кўтарилишига сабаб бўлади.

**БУЗОҚ.** Энг яқин кишиларингиздан бири берган ваъдасининг устидан чиқа олмай, режаларингизни барбод қилиши мумкин. Устига-устак, шундоқ ҳам етарли ташвишингиз айнан шу сабабдан янада ортади. Аммо дам олиш кунларини кўтаринки кайфиятда ўтказасиз.

**ЭГИЗАҚЛАР.** Узоқ давом этган музокараларга, ниҳоят, нукта қўйишга муваффақ бўласиз. Билиб қўйинг: тинчлик сулҳига имзо чекиб, келажакнинг мустақам замин яратасиз. Инкирозга барҳам берилгач, молиявий аҳволингиз яхшиланади боради.

**ҚИСҚИЗБАКА.** Хафтани қутилганидан ҳам аъло даражада ўтказасиз. Чоршанба кuni белгиланган режани ортиги билан бажарганингиздан сўнг хафта охиригача мириқиб ҳордиқ чиқаришингиз учун қулай имконият яратиб оласиз. Дам олиш кунлари зиёфатга таклиф этиласиз.

**АРСЛОН.** Келатган етти кунни ота-онангиз ва фарзандларингиз даврасида ўтказасиз. Шундай экан, фурсатдан фойдаланиб, оилавий бизнесни йўлга қўйишингиз мумкин. Аммо бундан аввал бўлажак корхонанинг керакли асбоб-ускуналар ва анжомлар билан таъминлаб олинг.

**ПАРИЗОД.** Душанба ҳафтанинг дастлабки кuni бўлгани учун эмас, балки рақибларингизнинг валломатларга хос бўлмаган хатти-ҳаракати туфайли ниҳоят оғир келиши кўтилмоқда. Жума кuni яқинларингизни жамлаш учун ёзган дастурхонингиз узоқ вақт кўпчилигининг ёдида сақланиб қолади.

**ТАРОЗИ.** Пул керак экан, деб ўзингизга тегишли ҳамма нарсани сотиб юборманг. Акс ҳолда келажакда асқотиши мумкин бўлган буюмни бир неча баробар қиммат нарҳда сотиб олишингизга тўғри келади. Шанба кuni касаланд қиқиларингиз холидан хабар олинг.

**ЧАЁН.** Хафта ҳар хил воқеалар, саргузаштлар ва гайритабиий ҳодисаларга бой бўлади. Масалан, сешанбада омадингиз келиб, янги мулкка эгалик қилишингиз мумкин. Хафта охирида эса номаълум шахслар бир-икки кун аввал қўйрилган нобисотингизни сизга билдирмай қайтариб олиб келишлари кўтилмоқда.

**ЎҚОТАР.** Ҳар хил баҳоналарни рўқча қилиб, яқинларингиз уюштирган тўй-ҳашамлардан қолиб юрманг. Иш ҳеч қаерга қочиб кетмайди. Қариндош-уруғ кўз ўнгида тушиб кетган обрў-эътиборни тиклаш анча қийинлиги ҳаммага маълум.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.** Мушкул вазиятга тушиб қолсангиз-да, бир кун биттасидан, иккинчи кун бошқасидан ёрдам сўраб, сарғайиб юрманг. Аксинча, бир жойга ўтириб, бор таъриба ҳамда маҳоратингизни ишга солишга ҳаракат қилинг. Мухими — осон йўл билан пул топиш ниятидан йироқроқ юринг.

**ҚОВГА.** Иш жойингизда жамоага сингиб кетишингиз қийин кечаятган бўлса, ажабмас. Начора, чидашга мажбурсиз. Эеро, бу ҳаётда чексиз машаққат ва астойдил меҳнатсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини ўзингиз жуда яхши биласиз.

**БАЛИҚ.** Турли хил усулларни қўлланган ҳолда бирданга бир неча хавфли вазиятдан эсон-омон қиқиб, атрофдагиларга омадли ва уздабурон эканингизни кўрсатиб қўясиз. Қизиги — ўзингизга ўхшаган иши кўзини биладиган айрим шахслар ана шу қобилиятингиздан фойдаланиб қолиш илнжида сиз билан иттифоқ тузишга ҳаракат қиладилар.

**ОБ-ҲАВО**

Соҳа мутахассислари берган маълумотларга кўра, келаси етти кун мобайнида республикамизнинг деярли барча ҳудудларида хафта охиригача нисбатан иссиқ ва қуруқ ҳаво сақланиб турса-да, келаси хафта аввалида ҳаво булут бўлиб, айрим жойларда ёмғир ёғади. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистонда дам олиш кунлари ҳаво ҳарорати тунда +17, кундузи +36 даражага ташқил қилса, сешанба ва чоршанбада кечаси +14, кундузи +29 даража бўлади. Фарғона водийсида сешанбагача ҳаво ҳарорати +32-37 даражани ташқил этиб турса-да, чоршанбада момақалдирак гўмбирлаб, ёмғир ёққани боис, ҳарорат кечаси +18-19, кундузи +32 даражача бўлади. Республикаимизнинг бошқа ҳудудларида, жумладан, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам хафта охиригача ҳаво ҳарорати кўтарилиб, шанба кuni 40 даражага етади. Аммо кейинги кунларда ҳарорат бироз пасаяди.

Пойтахтимиз — Тошкентда дам олиш кунларигача ҳарорат нисбатан юқориликча (кечаси +18, кундузи +34) сақланиб туради. Янги ҳафтанинг дастлабки кунлари эса +30-32 даража атрофида бўлади.



**ФУТЗАЛ**

Чирчиқ шахрида футзал бўйича Ўзбекистон ва Кувейт терма жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди.

## Мусобақадан аввалги кайфият — аъло!

Маълумки, 21 май кuni Тошкентда футзал бўйича Осиё чемпионатига старт берилди. Гарчи чемпионатга асос солинганидан бери бош соврин фақат эронлик футболчиларга насиб этган (қаторасига етти мартаба!) бўлса-да, кейинги хафтада сариқ қитъанинг энг кучли 16 терма жамоаси иштирокида ўтказиладиган мазкур нуфузли мусобақада кўпийиллик анъананага чек қўйилиши, яъни янги чемпион жамоанинг номи аниқланиши кўтилмоқда. Таҳминларга кўра, тўрт кундан сўнг бошланадиган баҳсларда амалдаги чемпион — Эрон термасига мезбон — Ўзбекистон, шунингдек, Япония, Хитой ва Австралия терма жамоалари қаттиқ қаршилиқ кўрсатиб, чемпионлик унвонини олиб қўйишга ҳаракат қиладилар.

Сешанба кuni ана шу мусобақа арафасида сўнгги тайёргарлик босқичини ўтаётган ҳамюртларимиз Кувейт термасини қабул қилиб, йирик — 5:0 ҳисобида галаба қозондилар. Дарвоқе, аслида кувейтликлар билан иккита учрашув ўтказиши режалаштирилган эди. Бироқ рақибнинг нисбатан кучсизлигини кўрган терма жамоамиз мураббийлари ортиқча йўқотиш, яъни жароҳатлар билан боғлиқ муаммоларга дуч келмаслик учун мўлжалланган иккинчи учрашувни бекор қилиб, унинг ўрнига тайёргарлик машғулотларини кучайтириши лозим деб билдилар. Кувейт терма жамоаси эса Ўзбекистон клуби жамоалари, жумладан, мамлакатимиз чемпиони "Ардус" билан беллашадиган бўлди.

**ШАХМАТ**

## Шахматчиларимиз кучлилар сафида



Россиянинг "Шахмат сайёраси" интернет порталида ташкиллаштирилган ўзига хос турнирда ўзбекистонлик гроссмейстер Рустам Қосимжонов фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Ўз вақтида Г.Каспаров ва А.Карпов сингари бўлажак чемпионлар таҳсил олган М.М. Ботвинник номидаги Марказий шахматчилар уйининг 50 йиллигига бағишланган, ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжинов соврини учун ўтказилган мазкур мусобақанинг финал босқичида ўттиздан ортиқ давлатнинг 150 нафарга яқин гроссмейстери иштирок этди. Мурасасиз курашлар остида ўтган финал босқичи Қосимжонов учун ниҳоятда омадли келди. Бироқ дастлаб 7 имкониятдан 7 очко тўплашга муваффақ

бўлган Рустам кейинги икки турда имкониятни бой берди.

Яқуний натижаларга кўра, 13 имкониятдан 11 очко тўплаган грециялик таниқли бличчи Радриго Васкес мусобақа голиби бўлди. 13 имкониятдан 10 очко тўплаган тўрт нафар шахматчи орасида энг юқори коэффицентга эга вакилимизга иккинчи ўрин насиб этди.

Ўтган хафтада Грециянинг Халкиди шахрида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган иккинчи норасмий жаҳон чемпионатида иштирок этган ёш шахматчимиз Раҳматжон Раҳимов эътиборга лойиқ муваффақиятга эришди. Швейцарча тизим бўйича бўлиб ўтган баҳсларда вакилимиз 9 имкониятдан 7,5 очко тўплаб, 13 яшар ўсмирлар орасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Умид қиламизки, яқин келажакда Раҳматжон каби истеъодларимиз Рустам Қосимжонов забт этган чўққиларни эгаллаш учун дона сурадилар.

ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ

РЕКЛАМА

**Республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kim oshdi savdolari» агентлиги — яқин бизнес ҳамкорингиз!**

Биржа савдолари душанба, чоршанба ва жума кунлари ҳамда аукцион савдолари пайшанба кунлари ташқил этилади.

«КўЧМАС МУЛК БИРЖАСИ»

«KIM OSHDI SAVDOLARI»

Маназил: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Урдабозор кўчаси, 7а-уй  
Телефонлар: 399 00-26, 399 01-28, 399 80-23.  
Факс: 126-26-26; www.kmb.uz

**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР, ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚАТИГА**

«Ўзбекобод» ишлаб чиқариш фирмаси полипропилен қопларни таклиф этади.

Маназил: Фарғона вилоятининг Қувва туманидаги «Бекобод» қишлоғи.  
Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 172-88-15, (8-373 31) 51-101

Сифати кафолатланган. Нархи арзон

**Моя мечта**

FEFB Oltin medall Geneva 2005

«TOSHKENT YOGI MOY KOMBINATI» OAJQK

MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN

**Лучшее для Вас от «To'htaniyoz-ota»**

адреса наших магазинов:  
1. РЫНОК ЧОРСУ  
2. РЫНОК КАТАРАЛ  
3. РЫНОК УРИҚСАР  
4. ПЛАВЬОН, 68-МАГАЗИН  
5. РЫНОК УРИҚСАР  
6. ПЛАВЬОН, 70-МАГАЗИН

ТАШКЕНТСКАЯ ОБЛ., Г.КЕЛЕС, ПРОМЗОНА. ТЕЛ: 8(371-96) 56-196. E-MAIL: TOHTANIYOZ@RAMBLER.RU

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ**

**КЕНГАШ РАИСИ**  
Мухаммадосиф ТЕШАБОВЕВ

**КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ**

Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ  
Алхам ШАДМАНОВ  
Ақром АЛИМОВ  
Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ  
Мухаммадилхон ЙЎЛДОШЕВ  
Аъзамжон РАҲМАНОВ  
Абдувахоб ИМОМАЛИЕВ  
Бахтиёр ЁҚУБОВ  
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ  
Илхом НАСРИЕВ  
Мансур ЗОКИРОВ  
Мухлиса АКРАМОВА  
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ  
Раъшан ОХУНОВ  
Раҳматилло КАМОЛОВ  
Сирожиiddин САЙИД  
Шухрат НОРИТОВ  
Шухрат ОРИПОВ  
Қиёмиддин НАЗАРОВ  
Қобилжон ТОШМАТОВ  
Туланбой ҚАРИМОВ  
Эркин ТОШЕВ

**ТАҲРИРИЯТ**

Абдували СОЙБНАЗАРОВ  
Маркс ЮСУПОВ  
Зумрад АБРОРОВА  
Носир ТОШЕВ  
Ориф УЛМАСОВ  
Тоҳир МАЛИК  
Темир АБДУРАҲМОНОВ  
Тоҳир МИРХОДИЕВ  
Улугбек ЮСУПОВ  
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА  
Холмурад  
МАМАТРАЙИМОВ  
Шаҳзод НАЗАРОВ  
Шухрат ОХУНЖОНОВ

**МАТН ТЕРУВЧИЛАР**

Нигора ЖУРАЕВА  
Замира АҲМЕДОВА

**БЎЛИМЛАР**

ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-45-08  
ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ 55-43-57  
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 132-25-15  
АХБОРОТ ВА ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ 55-70-16  
МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ 55-68-50  
ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ 55-70-16

Навбатчилар:  
**Т. АБДУРАҲМОНОВ**  
**Ш. ХЎЖАЕВ**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Туран» кўчаси, 41.  
Буюртма рақами: Г-766  
Тираж: 16824

PR - тижорат белгиси

**МУАССИС:** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сўбсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73а-уй.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:  
axborotXXIasr@yahoo.com  
XXI\_ASR@yahoo.com  
XXI\_ASR@doda.uz  
© XXI ASR дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

**БОШ МУҲАРРИР**  
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

**ASR**

**БИЗНЕС ҲАМКОРЛИМИЗ**

**ASR**

**НОШИРЛИК УЙИ**  
ТЕЛ: 132-14-47, 132-25-15.

**Mila PRESS**  
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ  
Тел: (998-71) 151-29-52.  
E-mail: milapress@yahoo.com